



“YASHIL” IQTISODIYOT
SHAROITLARIDA INNOVATSION
RIVOJLANISHNING ZAMONAVIY
YO‘NALISHLARI

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMAN



**NAVOIY
INNOVATSIYALAR
UNIVERSITETI**

NAVOIY 2025-YIL

MUNDRIJA	
1-SHO‘BA: “YASHIL” IQTISODIYOT SHAROITIDA HUDUDLARNI IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI	
“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA KO‘P YILLIK MEVALI DARAXTLARNI O‘STIRISH XARAJATLARI HISOB VA BAHOLASH. <i>A.I Alikulov, M.Sh.Baxriyev</i>	7
HUDUDLARDA “YASHIL IQTISODIYOT” TAMOYILLARINI JORIY ETILISHI HOLATI <i>Sh.B.Bahronova, D.Sh.Isomova</i>	11
HUDUDLARDA “YASHIL IQTISODIYOT” TAMOYILLARINI JORIY ETILISHI HOLATI <i>Sh.B.Bahronova, D.Sh.Isomova</i>	15
ACTUAL PROBLEMS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF REGIONS IN THE CONDITIONS OF “GREEN” ECONOMY <i>A.A.Dilmurodov</i>	18
MINTAQA SANOAT KORXONALARIGA LOGISTIK XIZMATLAR KO‘RSATISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGINI BAHOLASH <i>A.A.Dilmurodov</i>	22
HUDUDIY YASHIL INNOVATSIYA KLASSTERLARI: EKSPORTBOP SANOATNI RIVOJLANTIRISH MODEL <i>A.A.Abdujabborov</i>	24
STARTAPLARNING IQTISODIYOTDAGI AHAMIYATI VA ULARNING MUVAFFAQIYATGA ERISHISH SABABLARI <i>B.F.Azimov, S.Z.Yo‘ldosheva</i>	28
O‘ZBEKISTON HUDUDLARINING SANOAT MAHSULOTI HAJMI VA ZARARLI CHIQINDILAR MIQDORI BO‘YICHA STATISTIK TAHLILI <i>H.N.Baqoyev</i>	32
NAVOIY VILOYATI IQTISODIY RIVOJLANISHINING STATISTIK TAHLILI VA PROGNOZI <i>H.N.Baqoyev, I.I.To‘qmirzayeva</i>	39
RAQAMLI IQTISODIYOTNI AFZALLIKLARI <i>S.B.Baqoyev</i>	42
RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH TAMOYILLARI <i>S.B.Baqoyev</i>	45
“YASHIL IQTISODIYOT”NI RIVOJLANTIRISH: MUAMMO VA YECHIMLARI <i>F.G‘. Bekbutayeva, S.A. Asaboyeva</i>	48
“INNOVATIVE APPROACHES TO SUSTAINABLE DEVELOPMENT: HARNESSING GREEN ECONOMY PRINCIPLES”	51

<i>D. Botirova, N.Azamkulov</i>	
CHORVACHILIKNING HOZIRGI HOLATI VA KELGUSIDA RIVOJLANTIRISHNI AYRIM JIHATLARI <i>D.Rahmonov, D.Sh. Rahmonov</i>	55
РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ «ЗЕЛЕНОЙ» ЭКОНОМИКИ <i>Д.С. Джуроева</i>	59
YASHIL MOLIYALASHTIRISH: BARQAROR KELAJAK SARI MOLIYAVIY YONDASHUV <i>D.K.G'afurova, A. Yegembergenova</i>	63
YASHIL IQTISODIYOTNING O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI, IJTIMOIIY SOHALARI VA TA'LIM JARAYONIDAGI O'RNI <i>B.B. Hamroyev, F.I. Raimov</i>	65
КОМПАНИЯЛАРДА КОРПОРАТИВ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ТАЪСИРИ <i>Р. Б. Ҳайитов</i>	68
YASHIL IQTISODIYOT – BARQAROR IQTISODIYOTGA ERISHISHNING ASOSIY YO'NALISHI SIFATIDA <i>A.A. Irisov, D.T. Jabborova</i>	70
“YASHIL” IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH ZARURLIGI <i>N.A. Mamadaliyeva, A.Yegembergenova, M. Mehriqulova</i>	73
YASHIL IQTISODIYOT: BARQAROR IQTISODIYOTNING ASOSI <i>N.A. Mamadaliyeva, T. Jannazarov</i>	75
TARIFLAR BILAN BOG'LIQ KUTILMALARNING NOANIQLIGI SHAROITIDA INVESTITSİYALARNING KAMAYISHI <i>J.B. Shaymanov</i>	78
SUN'IY INTELLEKT VA MOLIYAVIY BOSHQARUV: RAQAMLI DUNYODA YANGI YONDASHUV <i>J.I. Po'latov</i>	82
YASHIL AKSIYALAR MOLIYA BOZORI INSTRUMENTI SIFATIDA RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI <i>M.Q. Quvondiqov</i>	86
ERKIN IQTISODIY ZONALARDA “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISH STRATEGIYASINING BOSQICHLARI <i>M.K. Rashidov</i>	89
YIRIK ISHLAB CHIQARISH KORXONALARINING HUDUDNI IJTIMOIIY-IQTISODIY-EKOLOGIK BARQARORLASHTIRISHDAGI O'RNI <i>M.X. Savrieva, Sh.I.Xamroyeva</i>	91
NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK	94

XAVFSIZLIK MUAMMOLARI VA ULARNING IQTISODIYOTGA TA'SIRI <i>M.X. Savrieva, D.B. Vafoyeva</i>	
TIBBIY XIZMATLAR BOZORIDA INSON KAPITALI RIVOJLANISHNI AMALGA OSHIRISH YO'LLARI VA BOZOR MUVOZANATINI TA'MINLOVCHI KONSEPSIYANING MAZMUNI <i>G'.O'. Shomiyev</i>	98
IQTISODIYOT VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR: MILLIY RIVOJLANISH UCHUN SINERGETIK INTEGRATSIYA <i>A.O. To'ychiboyeva</i>	101
RAQAMLI IQTISODIYOTGA O'TISH BILAN BOG'LIQ NATIJALAR VA MUAMMOLAR <i>T.M. Urakov</i>	103
KICHIK BIZNESNING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) <i>L.N. Xudoyorov</i>	106
"YASHIL IQTISODIYOT"GA O'TISHNING OBYEKTIV ZARYRLIGI VA ISTIQBOLLARI <i>B.Y. Yangiboyev, M.A. Begaliyeva</i>	109
MAMLAKATNI BARQAROR IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA YASHIL IQTISODIYOTNING O'RNI <i>Sh.B. Yangiboyev</i>	112
МИНТАҚАЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТИЗИМИГА МОСЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ <i>А.Ж. Абдуллоев, Н.К. Шарипова</i>	115
ҲУДУДЛАРНИ САНОАТЛАШУВ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ <i>А.Ж. Абдуллоев, Ҳ. Ж. Қосимова</i>	119
2-SHO'BA: ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH VA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARINI JORIY ETISHNING INNOVATSION YECHIMLARI	
INNOVATSION INFRATUZILMA SAMARADORLIGINI BAHOLASH KO'RSATKICHLARI VA ULARNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI <i>B.F. Azimov</i>	125
YASHIL IQTISODIYOT: AN'ANAVIY QADRIYATLAR VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR SENTEZI <i>M.X. Savrieva, B.Sh. Nabiyeva</i>	129
ENERGIYA TRANSFORMATSIYASI: BARQAROR KELAJAK	133

UCHUN INNOVATSION YECHIMLAR <i>S. Atamurotova</i>	
ИССЛЕДОВАНИЕ МАЛОПРОЧНЫХ ТВЕРДООБРАЗНЫХ ТЕКУЧИХ МАТЕРИАЛОВ, СООТВЕТСТВУЮЩИХ МОДЕЛИ ВЯЗКО-ИНЕРТНО ДЕФОРМИРУЕМЫХ СРЕД <i>A.A. Мурзоев, И.А. Ахмадов, А.Р. Иброхимов</i>	137
KORXONALARDA ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH VA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARINI JORIY ETISHNING INNOVATSION YECHIMLARI <i>A.O'.Saftarov, B.F.Azimov</i>	140
ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH <i>M.X. Savrieva, B.Q. Nazarova</i>	145
QASHQADARYO VILOYATIDA KICHIK BIZNESNING RIVOJLANISHIDA YASHIL IQTISODIYOTNING O'RNI <i>L.N. Xudoyorov</i>	148
MILLIY IQTISODIYOT TARMOQLARINI "YASHIL" ENERGETIKA BILAN TA'MINLASHNING AFZALLIKLARI <i>B.Y. Yangiboyev</i>	150
ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКАГА ДОИР, ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ОРГАНО-МИНЕРАЛ УЎИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>И.А. Тагаев, Ш. Тошбуриев, Л. Рахматуллаева</i>	153
3-SHO'BA: YASHIL IQTISODIYOT SHAROITIDA TA'LIMNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI: MUAMMOLAR, YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR	
ELEKTRON TA'LIMGA O'TISHNING OBYEKTIV ZARURLIGI VA UNING MOLIYAVIY MUAMMOLARI <i>B.Y. Yangiboyev</i>	157
TA'LIMNI MODERNIZATSIYA QILISHDA SUN'IY INTELLEKTDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI <i>Sh.B. Yangiboyev</i>	161
O'ZBEKISTONDA YASHIL IQTISODIYOTNI TA'LIM TIZIMIGA JORIY ETILISHI HOLATI TAHLILI <i>Sh.B. Bahronova, S.X. Zayniddinova, D.E. Niyozova</i>	164
YASHIL IQTISODIYOTDA EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI <i>N.N. Berdiqulova</i>	168
OLIY TA'LIMDA INVESTITSİYALAR VA ULARNING SAMARADORLIGINI BAHOLASH <i>J.B. Shaymanov, J.A. Aminov</i>	170

ВОЗМОЖНОСТИ МЕНТАЛЬНОЙ АРИФМЕТИКИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ ГРАМОТНОСТИ ШКОЛЬНИКОВ <i>А.И. Нажимова</i>	175
IQTISODIY VA STATISTIK MASALALARNI O'RGATISHDA BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINING FIKRLASH QOBILIYATINI O'STIRISH YO'LLARI <i>D.Q. Jo'lanov, S.D. Qulmurodova</i>	179
ФОРМИРОВАНИЕ ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ <i>А.И. Нажимова</i>	184
BOSHLANG'ICH SINFLARDA ONA TILI DARSLARINI O'TISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI <i>M.X. Pardayeva, S.Sh. Boltayeva</i>	188
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ РАЗНЫХ ИГРОВЫХ МЕТОДОВ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ <i>Ф. Б. Махкамова, А.И. Нажимова</i>	191
BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA DARSLARINI O'QITISHNING INNOVATSION YONDASHUVLARI <i>G.T. Jurayeva, M.E. Nasimova</i>	195
ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД ПРИ ОБУЧЕНИИ УМНОЖЕНИЮ И ДЕЛЕНИЮ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ <i>М. Тошпулатова, А.И. Нажимова</i>	199
MATEMATIK O'YINLAR VA STEAM INTEGRATSIYASI ORQALI BOSHLANG'ICH TA'LIMDA MATEMATIKA SAMARADORLIGINI OSHIRISH (2-SINF MISOLIDA) <i>G.T. Jurayeva, D.Q. Qobilova</i>	203
EGMA, TIMSS VA PISA DASTURLARI ORQALI MATEMATIK TA'LIMNI TASHKIL ETISHNING AHAMIYATI <i>A.Y. Alimov</i>	206
BOSHLANG'ICH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL METODLARNING O'RNI VA AHAMIYATI <i>A.Y. Alimov, S.Z. Xoldorova</i>	208
BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ONA TILINI O'QITISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI <i>M.X. Pardayeva, M.S. Ibragimova</i>	210
BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING BILIMINI MUSTAHKAMLASHDA TOPSHIRQLARNING O'RNI <i>M.X. Pardayeva, Z.S. Baxronova</i>	212
4-SHO'BA:YASHIL IQTISODIYOT SHAROITIDA AXBOROT-	

KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALAR VA MATEMATIK MODELLASHTIRISH	
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DEMOGRAFIK HOLATINI IFODALOVCHI KO'RSATKICHLARNING EKONOMETRIK PROGNOZI <i>H.N. Baqoyev, A.A. Aliqulov, N.D. Tashmurodova</i>	216
MOLIYAVIY OPERATSIYALARNING DAROMADLILIGINI VA RISKINI EHTIMOLLAR NAZARIYASI ELEMENTLARI YORDAMIDA ANIQLASH <i>I.I. Tojiyev, G.M. Mirtazoyeva</i>	219
YASHIL TEXNOLOGIYALAR SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA SUN'IY INTELLEKT YONDASHUVLARINING O'RNI <i>M.A.Rustamova</i>	223
YASHIL IQTISODIYOTDA QUYOSH PANELLARI KENGAYISHINI DIFFERENSIAL TENGLAMALAR ORQALI MATEMATIK TAHLIL QILISH <i>S.I. Arziyeva</i>	227
IJTIMOIIY TARMOQLAR ORQALI EKOTURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING OBYEKTIV VA SUBYEKTIV JIHLTLARI <i>M.E. Amonov</i>	231
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING YALPI ICHKI MAHSULOT HAJMINI 2025 YIL UCHUN PROGNOZ QILISH VA INTERVALLI BAHOLASH <i>I.I. Tojiyev, G.M. Mirtazoyeva</i>	232
РЕШЕНИЕ УРАВНЕНИЯ ДВИЖЕНИЯ И РАСЧЕТ ВРЕМЕНИ ВЫВОДА ЗАБОЙКИ ИЗ СКВАЖИНЫ ПРИ ВНЕШНЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ <i>О.Ж. Худайбердиев, Н.М. Джусраева</i>	237
ELEKTROMOBILLAR SONI O'SISHINI MATEMATIK MODELLASHTIRISH: YASHIL IQTISODIYOTDA ZARYADLASH INFRATUZILMASINING TA'SIRI <i>S.I. Arziyeva</i>	241
KARYERDA PORTLATISH NATIJASIDA KELIB CHIQUADIGAN CHANG OQIMINI TAHLIL QILISHNING MATEMATIK MODEL <i>G'.M. Norov</i>	244
YASHIL IQTISODIYOTDA ENERGIYA RESURLARINI TAHLIL QILISHDA BIRINCHI TARTIBLI CHIZIQLI DIFFERENSIAL TENGLAMALARNING QO'LLANILISHI <i>S.I. Arziyeva, S.S. Rizoqulova</i>	246
OPPORTUNITIES OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN ENVIRONMENTAL MONITORING WITHIN THE FRAMEWORK OF GREEN ECONOMY <i>D. Botirova, N. Azamkulov</i>	249

YASHIL IQTISODIYOTDA MUAMMOLAR, YECHIMLAR, ISTIQBOLLAR VA ULARDA MATEMATIKANING O‘RNI <i>N.R. Saidova</i>	252
HISOBLASH ARXITEKTURASINING SUN’IY INTELLEKT RIVOJIGA TA’SIRI <i>A.T. Shomurodov</i>	254
AXBOROT XAVFSIZLIGI VA SUN’IY INTELLEKT: IMKONIYATLAR VA TAHDIDLAR <i>A.T. Shomurodov</i>	256
YUQORI DARAJALI TAQQOSLAMALAR YECHIMLAR SINFINI ANIQLASHNING BIR USULI <i>G‘.E. Abduraxmanov</i>	258
“YASHIL” IQTISODIYOT TAMOYILLARINI TA’LIMGA INTEGRATSIYA QILISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARINING TUTGAN O‘RNI. <i>S.U. Farmanov</i>	261

кўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-223-сон фармони, 20.12.2024 й

2.Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan. National state of the environment report: Uzbekistan. International Institute for Sustainable Development. 2023. – 121 pages.

3.Abdulloyev A.J. Agroklaster faoliyatini boshqarish samaradorligini baholashning uslubiy asoslari Босма Iqtisodiyot va turizm xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali, №4(12), 2023y. 53-64 betlar

4.Abdulloyev A.J. Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management Босма Экономика и предпринимательство. – Москва, 2023. –№9. – С. 617-623


ХУДУДЛАРНИ САНОАТЛАШУВ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич, и.ф.д., профессор
Бухоро давлат университети, Бухоро, a.j.abdulloev@buxdu.uz
Қосимова Хилола Жамшедовна, ўқитувчи
Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, фаол тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчи амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, узоқ муддатли истикболда мамлакатда минтақавий саноатлашунини барқарор ривожлантириш бўйича давлат дастурларига устуворлик қаратилиши “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги “йирик корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий корхоналар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйган корхоналарни фаол рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, ҳар бир туманда замонавий технологик саноат зоналарини ташкил этиш” [1] каби устувор вазифаларда ўз аксини топганлигида намоён бўлади. Стратегик дастурда белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш учун мамлакатда минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегияси асосида амалга оширишга қаратилган давлат дастурлари самарадорлигини таъминлаш талаб этилади.

Фикримизча, кейинги йилларда республика бўйича маҳаллий саноат корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятида маҳсулот ишлаб

чиқариш занжирини тўлиқ қамраб олган юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида бугунги кунда истеъмол бозорида талаб юқори бўлган, ҳамда қўшимча ривожланиш салоҳиятига эга саноатнинг электротехника, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, кимё-полимер, тўқимачилик, чарм-поябзал, машинасозлик, мебелсозлик, заргарлик каби соҳаларида очиқ танлов орқали “Илғор саноат корхонаси” лойиҳаларини танлаб олиш ва уларни молиялаштириш амалиётига ўтилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



1-расм. “Илғор саноат корхонаси” лойиҳаси очиқ танловини амалга ошириш мезонлари

Таклиф этилаётган “Илғор саноат корхонаси” лойиҳалари танловини амалга ошириш мезонлари қуйидаги бешта талабларга (1-расмга қаранг) мувофиқ амалга оширилиши лозим:

биринчи, меҳнат бозорида қўшимча янги иш ўринлари яратиш – ишлаб чиқилган лойиҳа ҳисобига камида 100 та қўшимча янги иш ўринлари яратилиши;

иккинчи, импорт ўрнини босиш – бунда лойиҳа тақдим этилган саноат корхонаси томонидан ишлаб чиқарилиги режалаштирилаётган маҳсулотнинг ички бозорда импорт ҳажмидаги улуши 50,0 фоиздан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ;

учинчи, илғор техник-технологик қуролланганлик – маҳсулот ишлаб чиқаришининг янги авлод техника-технологиялари билан қуролланганлиги;

тўртинчи, “оғир” ҳудудларда саноат ишлаб чиқариши ихтисослашувини кучайтириш – бунда саноатлашиш даражаси бўйича республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан ортда қолаётган вилоятлари тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларга устуворлик қаратиш назарда тутилади;

бешинчи, миллий бренднинг устуворлиги – бунда жаҳон бозорида етакчи ўринга эга бўлган халқаро бренд корхоналар билан миллий резидентлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш асосида миллий бренднинг халқаро бозоридаги ўрнини оширишга қаратилган дастурлар самарадорлигини ошириш назарда тутилади.

Юқорида келтирилган тартибда “Илғор саноат корхонаси” лойиҳалари очиқ танловини ўтказиш бўйича таклиф этилаётган мезонлар асосида баҳолаш амалиёти орқали мамлакат ҳудудларини саноатлаштириш, жумладан, иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган вилоят, туман, шаҳар ва бошқа турдаги аҳоли яшаш пунктларида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортади.

Шунингдек, “Илғор саноат корхонаси” лойиҳасининг очиқ танлови натижалари асосида танловдан муваффақиятли ўтган лойиҳаларни молиялаштиришда давлатнинг мақсадли бюджетдан ташқари фондлари, жумладан, Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда мақсадли фонд томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит суммаси лойиҳа умумий қийматининг 25,0 фоизидан ортмаган ҳолда, кредит ажратиш муддатининг 30,0 фоизига тенг бўлган имтиёзли давр билан (масалан, кредит муддати 10 йилни ташкил этса, бундан 3 йили имтиёзли давр ҳисобланади) тақдим этилиши зарур бўлади [2]. Шунингдек, ажратилаётган кредитнинг абсолют суммаси 10,0 млн АҚШ долл.дан ортмаслиги керак. Шу билан биргаликда, махсус фонд томонидан бу турдаги лойиҳаларни кредитлар амалиёти миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги фоизлар асосида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ:

- миллий валютада кредитлашнинг жами муддатининг 30,0 фоизига тенг бўлган имтиёзли давр билан йиллик 10,0 фоиз ставкада. Бунда тижорат банкларининг кредитлар бўйича маржаси 4,0 фоизга тенг бўлади;

- миллий валютада кредитлашнинг жами муддатининг 30,0 фоизига тенг бўлган имтиёзли давр билан йиллик 4,0 фоиз ставкада. Бунда тижорат банкларининг кредитлар бўйича маржаси 2,0 фоизга тенг бўлади;

Шунингдек, саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича тегишли тартибда лойиҳаларни ишлаб чиққан ташаббускорлар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ўз лойиҳаларини очиқ танловдан ўтиши учун тақдим этишлари керак бўлади. Мамлакатда таклиф этилаётган “Илғор саноат корхонаси” лойиҳаси доирасида минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш амалиёти 6-иловада келтирилган ўн битта босқични қамраб олади ва улар қуйидаги тартибда изоҳланади:

биринчи босқич – бу лойиҳани тайёрлаш босқичи бўлиб, бунда ташаббускор томонидан ўзи яшаётган ҳудудда тегишли саноат корхонасини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, уни асослаш керак бўлади. Ташаббускор томонидан тайёрланган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тегишли тартибда ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилади;

иккинчи босқич – лойиҳаларни жамлаш ва ҳукумат комиссиясига тақдим этиш босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ташаббускорлар томонидан “Илғор саноат корхонаси” лойиҳаси доирасида келиб тушган таклифлар саноат тармоқлари бўйича тегишли тартибда ажратилиб, кўриб чиқиш учун ҳукумат томонидан ташкил этилган комиссияга тақдим этилади;

учинчи босқич – танлов натижалари баҳолаш босқичи бўлиб, бунда ҳукумат томонидан ташкил этилган комиссия унга тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиб, тегишли мезонлар асосида баҳолайди ва танлов ғолибларини танлайди. Ўтказилган танлов натижалари асосланган ҳолда очиқ тарзда ташаббускорларга эълон қилинади;

тўртинчи босқич танлов ғолиблари билан шартномалар тузиш босқичи ҳисобланади. Бунда ғолиб деб топилган лойиҳа ташаббускори билан инвестицион шартнома тузилади ва имзоланади;

бешинчи босқич – лойиҳани техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш босқичи ҳисобланади. Бунда ғолиб деб топилган лойиҳа ташаббускори лойиҳани амалга ошириш, жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ва иқтисодий асосларини ишлаб чиққан ҳолда уни “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга тегишли тартибда киритиши керак бўлади;

олтинчи босқич – экспертиза хулосаларини олиш босқичи бўлиб, ушбу босқичда “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан ташаббускорнинг ғолиб деб топилган лойиҳаси бўйича киритилган саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ва иқтисодий асосларини тўлиқ экспертизадан ўтказган ҳолда кўриб чиқиши, тегишли хулосалар, жумладан, лойиҳанинг камчиликлари ва мавжуд эътирозларни келтирган ҳолда ташаббускорга тақдим этиши керак бўлади;

еттинчи босқич – молиялаштириш учун мурожаат киритиш босқичи ҳисобланади. Мазкур босқичда ғолиб деб топилган лойиҳа ташаббускори “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан ижобий хулосани олгандан сўнг у билан биргаликда, тегишли тижорат банкига Саноатни ривожлантириш жамғармасидан имтиёзли кредит олиш учун мурожаат киритиши керак бўлади;

саккизинчи босқичда тижорат банки унга ташаббускор томонидан тақдим этилган лойиҳа хужжатларини ўрганиб чиқиб, уни молиялаштириш учун молиявий ресурс олиш мақсадида Саноатни ривожлаантириш жамғармасига талабнома киритади;

тўққизинчи босқич тижорат банкига лойиҳани молиялаштириш учун ресурс ажратиш босқичи ҳисобланади. Бунда Саноатни ривожлантириш жамғармаси томонидан тижорат банки талабномасига мувофиқ, икки иш кунида тегишли лойиҳани молиялаштириш учун молиявий ресурслар ажратилади;

ўнинчи босқичда тижорат банки Саноатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган молиявий ресурслардан фойдаланган ҳолда, лойиҳани молиялаштириш учун ташаббускор томонидан келтирилган хужжатлар асосида тегишли кредит суммасини ажратади;

якуний, ўн биринчи босқичда лойиҳа амалга оширилиб, уни амалга оширилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан мунтазам мониторинг олиб борилади [3].



2-расм. Минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишда “Илғор саноат корхонаси” лойиҳалари очик танлови ўтказилиши таклиф этилаётган саноат тармоқлари

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифлар асосида мамлакатда минтақавий саноатлашувни барқарор ривожлантиришда “Илғор саноат корхонаси” лойиҳалари очик танловига асосланилиши асосида республиканинг “оғир” ҳудудларининг саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Шу билан биргаликда, мамлакат саноат тармоқларини ривожланиши, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига аҳолининг мавжуд талабларидан келиб чиққан ҳолда “Илғор саноат корхонаси” лойиҳалари очик танловини ўтказишнинг дастлабки йилларида озиқ-овқат, текстил-тўқимачилик, электротехника, чарм-пойабзал,

заргарлик, мебелсозлик, қурилиш материаллари, полимер-кимё ва машинасозлик каби саноат тармоқларида ўтказилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2-расмга қаранг).

Юқорида келтирилган саноат тармоқлари бугунги кунда мамлакат миллий саноатида юқори ривожланиш даражасига эга бўлиб келаётган тармоқлар қаторидан ўрин эгаллаганлигига қарамай, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш занжири тўлиқ ўзлаштирилмаган ҳисобланади. Бу эса мамлакат минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни якунига етказиш имкониятини кенгайтириб, соҳада яратилаётган қўшилган қиймат ҳажмини ортишига хизмат қилади. Шу билан биргаликда, мазкур саноат соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни импортини камайтириб, уларни экспорт қилиш салоҳиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сон фармони, 09.06.2021 й. <https://lex.uz/docs/5449564>

2. Abdulloyev A.J. Agroklaster faoliyatini boshqarish samaradorligini baholashning uslubiy asoslari Босма Iqtisodiyot va turizm xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali, №4(12), 2023y. 53-64 betlar

3. Abdulloyev A.J. Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management Босма Экономика и предпринимательство. – Москва, 2023. –№9. – С. 617-623